

Бақара сураси, 67-оят

15:15 / 18.09.2017 3697

Мусо ўз қавмига: «Албатта, Аллоҳ сизга бир сигир сўймоғингизни буюрмоқда», - деганини эсланг. Улар: «Бизни эрмак қияпсанми?» - дедилар. У: «Жоҳиллардан бўлиб қолишимдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман», - деди. Бақара 67.

Мусо алайҳиссаломдек улуғ пайғамбар - Бану Исроилни Фиръавннинг азобидан қутқарган, ҳамма яхшиликларга сабаб бўлган зот яҳудийларга:

«Албатта, Аллоҳ сизга бир сигир сўймоғингизни буюрмоқда», -

деб, уларни Аллоҳнинг сигир сўйишга амр этганини етказганларида, «Хўп бўлади, Аллоҳ буюрган бўлса, бош устига», дейиш ўрнига

«Бизни эрмак қияпсанми?» - дедилар.

Бу гап Мусо алайҳиссаломга оғир ботди. Аллоҳнинг номидан одамларни масхара қилиб бўладими? Буюк пайғамбар Аллоҳ айтмаган гапни «Айтди», дея оладими? Уларнинг бу гапи ҳам Аллоҳга, ҳам Унинг расулига нисбатан беҳурматлик бўлиши билан бирга, Мусо алайҳиссаломга нисбатан тухмат ҳам эди. Шунинг учун ҳам у киши:

«Жоҳиллардан бўлиб қолишимдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман», - дедилар.